O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 13 март №51 (3325) Шанба

# ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИГИНИНГ ЯНА БИР ТИМСОЛИ






Ўзбекистонни улкан қурилиш майдонига менгзаш мумкин. Бугун барча вилоят, шаҳар ва туманларда катта ўзгаришлар бўляпти, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу янгиланишлар нафақат кетма-кет қад ростлаётган биноларда, барпо этилаётган кўча ва хиёбонларда, балки инсонлар онгу шуурида ҳам акс этмоқда.

12 март куни яна бир улкан иншоот — Ҳазорасп тумани ҳудудида Амударё узра бунёд этилган кўприк фойдаланишга топширилди.

Ушбу йирик иншоотнинг очилишига бағишланган маросимни Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов очди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз, жумладан, воҳа тараққиётида ушбу кўприкнинг аҳамияти беқиёс эканини қайд этди.

Хоразм вилояти кейинги йилларда улкан марраларни қўлга киритмоқда. Вилоятда ички ва ташқи бозорни харидоргир маҳсулотлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. 27 қўшма корхона мавжуд.

Воҳада коммуникация тармоғини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бугун ишга тушаётган янги кўприк бутун юртимиз каби Хоразм ва Қорақалпоғистонни ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда, одамлар узоғини яқин қилишда катта имкониятлар эшигини очади.

Давлатимиз раҳбари ушбу кўприк мамлакатимиз автомобиль ва темир йўл тизимларини замон талаблари даражасида ривожлантиришда, чет элга маҳсулот экспорт қилишда катта аҳамият касб этажагини алоҳида таъкидлади.

Республика "Боштранслойиҳа" институти лойиҳаси асосида бунёд этилган 681 метрлик ушбу замонавий кўприк мамлакатимиз коммуникация тизимини тубдан ўзгартиради. У бир кеча-кундузда ҳар икки томонга 14 поезд, соатига мингдан зиёд автомобилни ўтказиш имконига эга.

Юртбошимиз ушбу улкан иншоотни бунёд этишда жонбозлик кўрсатган қурувчи ва муҳандисларга, барча-барчага миннатдорлик билдирди.

Тадбирда сўзга чиққан "Туямўйинсувқурилиш" тресті 1-кўчма механизациялашган колонна участка бошлиғи К.Турдиев, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси Қўнғирот регионал темир йўл узели бошлиғи К.Нуруллаев, "Кўприкқурилиш" трестига қарашли 13-кўприк қурилиш отряди муҳандиси Г.Гарепова, меҳнат фахрийси С.Шарипов ва бошқалар Амударё узра барпо этилган ушбу кўприкнинг қурилишига, умуман, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига раҳнамолик қилаётган Президентимизга ташаккур изҳор этдилар.

**В.ЛУҚМОНОВ,**
**Т.ШАМАКОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**
**СУРАТДА: ташриф пайти.**
**Д. ЮСУПОВ олган сурат.**

## Президент Ислом Каримовнинг Хоразм вилояти Ҳазорасп туманида барпо этилган янги кўприкнинг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросимдаги сўзи

Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Қадрли дўстлар!

Бугун биз қадимий Хоразм заминида Ватанимиз ҳаётидаги унутилмас ва қувончли бир воқеа — азим ва қудратли Амударё узра бунёд этилган замонавий иншоот — янги, муҳташам кўприкнинг ишга туширилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этмоқдамиз. Янги йўлларни очиш, янги кўприклар қуриш, уларнинг инсон ва халқлар ҳаётидаги аҳамияти ва моҳияти ҳақида кўп гапириш мумкин.

Халқимизнинг "Кўприк қурган кам бўлмас, равон йўлда ғам бўлмас" деган доно мақоли замирида жуда катта маъно мужассам.

Барча-барча халқлар кўприк деганда, одамларнинг узоғини яқин, мушкулини осон қиладиган, дилларни дилларга, элларни элларга боғлайдиган ҳаёт белгисини тасаввур қилади.

Бунинг ёрқин тасдиғини бутун оламга машҳур бўлган Буюк ипак йўлининг ривожланишига катта ҳисса қўшган, Шарқ билан Ғарб ўртасида бамисоли кўприк бўлиб хизмат қилган бизнинг диёримиз мисолида яққол кўриш мумкин.

Қадим-қадимдан бизнинг юртимиз-ўлкамиз учун, унинг тараққиёти ва фаровон ҳаёти учун коммуникациялар, шу жумладан, йўлларнинг очилиши ва қурилиши алоҳида аҳамият касб этган.

Агарки, бугунги кунда мамлакатимизнинг жуғрофий жойлашуви, маъмурий чегараларини инобатга олсак, бизнинг халқаро коммуникациялардан, денгиз йўлларидан олис бўлиб яшаётганимизни назарда тутсак, бундай хулосани чиқариш қийин эмас, деб ўйлайман.

Бир фараз қилинг — дунё бозорига ҳатто энг яқин денгиз порти орқали чиқиш учун ҳам бизнинг камида икки-учта давлат ҳудудини кесиб ўтишимизга, қанчадан-қанча ортиқча харажат қилишга, қанча ташвиш чекишга, баъзан сунъий тўсиқларни ҳам енгиб ўтишга тўғри келмоқда.

Шу боис, мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ жаҳонга, дунё бозорига янги йўлларни очиш биз учун сув билан ҳаводай зарур ҳаётий эҳтиёжга айланди.

Ўтган қисқа давр мобайнида бу борада амалга оширган ишларимиз ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, Қамчиқ довони орқали Фарғона водийсини, Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус темир йўли орқали шимолий минтақаларимизни мамлакатимизнинг марказий ҳудудлари билан боғлашга эришганимизни таъкидлаш лозим.

Ҳозирги пайтда жанубда Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилиши бошлангани ва шу йўлдан Афғонистон ва Эрон замини орқали Форс кўрфази портларига чиқиш режаларимиз, шарқда эса Андижон-Ўш-Қашқар автомобиль йўлини қуриш мўлжалларимиз бу ишларнинг узвий давоми, деб айтиш мумкин.

Шулар қаторида юртимизни Устюрт орқали Қозоғистон, Россия ва Европа билан боғлайдиган 316 километрли Қўнғирот-Бейнов тезюрар автомобиль йўлини барпо этиш ишлари ҳам яқин орада ниҳоясига етказилади. Шу билан бирга, Тошкент-Самарқанд, Тошкент-Ангрен йўналишларида замонавий электропоездлар қатнови йўлга қўйилгани ҳам бу борадаги салмоқли қадамлардан биридир. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин — ҳозирги кунда Ўзбекистон йўллари халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий даражага кўтарилмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, эртанги, узоқ давомли режаларимизни қурар эканмиз, юртимизни бошқа давлатлар ва минтақалар билан боғлайдиган йўллар ва коммуникациялар барпо этиш масаласи доим бизнинг эътибор марказимизда туради.

Муҳтарам дўстлар!

Бугун Амударё узра бунёд этилган бу кўприк кейинги йиллардаги улкан ишларимизнинг яна бир намоёни, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Ушбу ноёб лойиҳани амалга ошириш учун 33,5 миллиард сўм маблағ сарфланганини ҳам бу иншоотга нақадар катта эътибор қаратилганидан далолат беради.

Қорақалпоғистон ва Хоразм диёрини пойтахтимиз Тошкент шаҳри ва бошқа ҳудудларимиз билан боғлашда бу кўприкнинг нечоғлик муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида гапириб ўтириш ортиқча, деб ўйлайман.

Узунлиги 681 метрни ташкил этадиган бу замонавий кўприк бир кеча-кундузда ҳар икки томонга 14 тадан поезд, соатига мингта автомобилни ўтказиш имкониятини яратади.

Бу эса Урганч-Тошкент йўналишидаги поездларнинг йўлда юриш вақтини 5,5 соатга, масофани 300 километрга қисқартириш, илгари транзит учун ҳар йили тўланадиган бир миллион АҚШ долларини тежашга имкон беради.

Биз учун шимолий йўналишда дарвоза очиш, шу минтақадаги бой ер ости табиий захираларини ўзлаштириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бу ерда истиқомат қилаётган одамларнинг ҳаётини обод қилишда бу улкан иншоот мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Ва унинг ижобий самараси ва таъсирини яқин орада шу воҳадаги хўжалик ва ташкилотлар, ҳар бир оила ўз ҳаёти мисолида кўриши мумкин бўлади.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, кўприк ишга тушиши билан олдимизда турган кўп оғир муаммоларни ечиш, шу орқали катта маблағларни тежаш, истиқболимизни кўриш имкони туғилади.

Азиз юртдошлар!

Ҳаммамиз яхши тушунамиз: шундай мураккаб табиий шароитда, қишнинг изғирин шамоллари, ёзнинг жазирама офтобида, дарё сувини кечиб, бу муҳташам кўприкни қуриш осон бўлгани йўқ. Бугун ғурур ва ифтихор билан айтиш мумкин — бу қурилиш кейинги йилларда бунёдкор қурувчиларимизнинг маҳорати нечоғлик ошгани, биз ўз кучимиз ва салоҳиятимизга таяниб, қандай буюк ва бетакрор иншоотларни барпо эта олишимизнинг яна бир амалий тасдиғи бўлди.

Амир Темур бобомизнинг ибораси билан айтганда, бизнинг қандай куч-қудратга эга бўлганимизни, нималарга қодир эканимизни ана шундай улкан қурилишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бугун мана шу минбардан туриб, ушбу муаззам кўприкнинг бунёдкорларига, аввало, "Боштранслойиҳа" институти мутахассисларига, бош пудратчи — "Ўзбектрансқурилиш" уюшмасининг "Кўприкқурилиш" тресті меҳнат жамоасига, барча ишчи ва монтажчиларга, қурувчи ва муҳандисларга, қорақалпоқ ва Хоразм элининг мутасадди ва фаолларига, бу улуғвор ишга ҳисса қўшган жамики инсонларга самимий ташаккур билдириш менга катта мамнуният етказади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай буюк ишларнинг ижодкори бўлган азамат халқимизга яна бир бор таъзим қилишга рухсат бергайсиз.

Қадрли дўстларим, биродарларим, сизларни бугунги қувончли ва тарихий воқеа муносабати билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака, эзгу ишларингизда омад ёр бўлишини тилайман.

Қўлингиз дард кўрмасин, доимо омон бўлинг, азизларим!

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигини нишонлаш тўғрисида

*Бетакрор ижоди ва ижтимоий фаолияти билан ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, юртдошларимиз қалбида она Ўзбекистон билан фахрланиш ва фидойилик туйғуларини уйғотиш, миллий истиқлол ғоясини халқимиз онги ва тафаккурига сингдириш борасидаги катта хизматларини, адабиётимиз ва санъатимиз ривожига қўшган муносиб ҳиссасини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси* ***ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўзбекистон халқ шоири, марҳум Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигини нишонлаш тўғрисида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маданият ишлари вазирлиги, "Камолот" ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва кенг жамоатчилик вакилларининг таклифи маъқуллансин.

2. Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмитага бир ой муддатда мазкур сана муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилсин. Тадбирлар режасида қуйидагилар кўзда тутилсин:

шу йил май ойида Тошкент шаҳрида Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланган хотира кечасини ўтказиш;

шоирнинг бир жилдлик асарлари сайланмасини нашр этиш;

ўқув муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ёзувчилар, санъаткорлар ва олимлар иштирокида Муҳаммад Юсуф ижодига бағишланган учрашув ва адабий кечалар ташкил этиш;

шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли видеофильм яратиш.

4. Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш масалалари бўйича комиссиянинг шоир хотирасини абадийлаштириш ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

5. Андижон вилояти ҳокимлигига шоир қабрини ободонлаштириш ва ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш топширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий адабиёт курсининг энг истеъдодли тингловчилари учун Муҳаммад Юсуф номидаги стипендияни таъсис этсин.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, "Ўзтелерадио" компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига шоир ижодий меросининг аҳамиятини тарғиб этиш, шунингдек, таваллудининг 50 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 12 март.

*13-14 март — умумхалқ ҳашари*

## ҚАЛБ ДАЪВАТИ БИЛАН

*Халқимизнинг бетакрор удумлари кўп. Оилалардаги яхши кунларда қўни-қўшни, маҳалла-кўй бир тану, бир жон бўлиб ёрдамга, ҳашарга ошиқади. Айниқса, иморат қуриш, йўл ва кўприк солиш, ариқ-зовурларни тозалаш ва бошқа ободончилик ишлари оммавий тадбирга, айтиш мумкинки, байрамга айланиб кетади. Муҳими, кўмакка бел боғлаган кишилар ҳеч қандай моддий ва маънавий манфаатдорлик кутмайди, балки бир-бирларини беминнат, беғараз қўллаб-қувватлайди.*

Халқимизнинг боқий қадриятларидан бирига айланган ҳашар Президентимиз томонидан Меҳр ва мурувват йили деб аталган ушбу йилда янада қизғин тус олади. 13-14 март умумхалқ ҳашари куни деб белгилангани шу кунларни ўзига хос байрамга айлантириб юбориши шубҳасиз. Ўзи яшаб турган ҳовлини, маҳалла-гузарни саранжом-саришта сақлаш, турар-жойи атрофига турли мевали-ю, манзарали кўчатлар экиб, ҳовлисини гулзорга айлантириш азалий одатларимиздан. Бу юмушлар халқимиз учун мавсумий эмас, кундалик ишга айланиб кетган.

Шўро замонларида расмиятчилик ва ҳисоботларда қайд этиш учун "шанбалик"лар ўтказиларди. Бизнинг ҳашарларимиз моҳиятида қалб даъвати, савобдан умидворлик ҳисси ётади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак.

Умумхалқ ҳашарига юртдошларимиз кампаниябозлик, шунчаки расмиятчилик учун эмас, балки қалб даъвати билан бел боғлаганлар. Шу кунлари барча ташкилот, муассаса, идора ва корхоналарда теварак-атрофни тозалаш ишлари авж олади. Дарахтларга шакл берилиб, оқланади, бўш майдон ва ўтиш йўлаклари атрофига турли кўчат ва гуллар экилади.

Умумхалқ ҳашари туфайли тушган маблағ ҳар қайси ҳудуднинг ўзида, ўша жойларнинг инфратузилмасини ривожлантиришга, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига кўмак беришга, маҳаллаларни, қишлоқларни обод қилишга сарфланади.

Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган умумхалқ ҳашарини ўтказиш бўйича Ишчи гуруҳи йиғилишида мазкур маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши, бюджетдан молиялаштирилиши режалаштирилган харажатларга йўналтирилишига йўл қўйилмаслик каби масалаларга эътибор қаратилди. Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари масаланинг мана шу томонларига алоҳида эътибор бериши лозимлиги таъкидланди.

**(ЎзА).**

# Ором топаётган юраклар

***Россиядаги А.Бакулев номли Юрак-қон томир жарроҳлиги илмий маркази кардиожарроҳларининг мамлакатимиздаги мурувват тадбирлари давом этмоқда.***

Биз академик В. Воҳидов номли республика махсус жарроҳлик марказига борганимизда шу кунга белгиланган учта операциянинг биринчиси бўлаётганлигини маълум қилишди. Демак, туғма юрак хасталиги бор яна уч нафар бемор оёққа туради. Қанчадан-қанча яқинларининг кўнгли таскин топади. Инсон саломатлигини тиклаш, унда яшашга умид уйғотишдек олийжаноб ва хайрли иш бўлмаса керак.

Ниҳоят, биринчи операция тугади. Россиялик машҳур жарроҳ Л.Бокериянинг шогирди, тиббиёт фанлари доктори Алексей Ким билан учрашиш учун бош шифокор хонасига бордик. У ерда бир неча беморларга тиббий маслаҳатлар бераётган таниқли жарроҳ суҳбат давомида шундай деди:

— Газетангизда биз тўғримизда ёзилганини кўрсатишди. — Марказимиз бундай хайрли тадбирларни бир неча йилдан бери ўтказиб келади. Очиғи, мамлакатингиз раҳбарияти ҳам, жамоатчилик ҳам бунга алоҳида эътибор билан қараётгани бизни мамнун этди.

— Мен бу ерда бир неча ўта малакали мутахассислар, қобилиятли ёш кардиожарроҳлар иши билан танишдим. Уларнинг кўпчилиги бизнинг марказда малака оширган, жарроҳлик операцияларида иштирок этган. Бу борада бемалол ижобий фикр билдириш мумкин. Биз ҳам бир неча йил олдин бир қатор Европа мамлакатларида бўлганда шундай мурак-

(Давоми 2-бетда).



**СУРАТДА: Россиялик жарроҳлар операция жараёнида.**

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

## 13 - 14 март — умумхалқ ҳашари



***Кўплар халқ тилга бўйсунади, деб ўйлайди. Аксинча, тил халққа бўйин эгади. Шундай бўлмаганида эди, тилимиздаги талай арабий ёки форсий сўзлар ўз туғди-битди "макон"идаги маъноларидан бошқачароқ луғавий бўёқлар касб этмаган бўлур эди. "Ҳашар" сўзи – арабча. У – асли, кўпчилик, жамоа, гуруҳ, тўда маъноларида келади. Айнан ғуж-ғуж бўлиб яшагани ва шу тахлит кўпайгани учун ҳам митти жониворлар "ҳашарот" дейилади.***

# БИЗГА ГЎЗАЛЛИК ЯРАШАДИ

Бироқ бизга ўтиб, "ҳашар" сўзи ўзбекчалашган: тилимизда халқимизга тегишли муайян анъана, ўзига хос бир фазилатни, қадриятни англатадиган бўлган. Биласиз, Бухоро — тоғдан йироқ, катта қумликлар бағридаги ўлка. Қишдан бўлак мавсумларда ариқларда фақат лойқа сув оқади. Вақти-вақти билан қазиб, тозалаб турилмаса, қум ариқларни кўмиб ташлайди. Шунинг учун азалдан бу ерда кучли бир халқона анъана қойим – шу ариқдан сув ичасанми, ер суғориб, деҳқончилик қиласанми, марҳамат, ҳашарга чиқ! Бу ўлкада "ҳашар" фақат ана шу халқ ёппасига кетмону белкурак кўтариб, ариқ тозалашга чиққанини англатади. Одамларнинг уйидаги кўпчилик бўлиб лой ишларини бажаришни эса "кўмак" дейишади.

Демак, ҳашар аввал замонлардан умумхалқ кўмагини англатиб келган. Кимнингдир кўнглидан: "Пахта йиғим-терими ҳам, пиллани йиғиштириб олиш ҳам ана шундай кўпчиликнинг биргалашиб меҳнат қилиши орқали амалга оширилади-ку, улар ҳам ҳашарми?" — деган савол ўтиши мумкин. Албатта, бу ҳам — ҳашарнинг бир кўриниши. Шунинг учун баъзан йиғим-терим палласи ёрдам учун деҳқоннинг қаватига кирганларни ҳам "ҳашарчилар" деймиз.

Лекин чинакам ҳашар, барибир, беминнат ёрдам, бетаъма меҳнатни билдиради. Халқимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейин кўпдан-кўп миллий фазилатлари, жумладан, ҳашарни ҳам сақлаб қолди, қадрлади, такомиллаштирди. Мустамлака исканжасидан қутулиб, оёққа туриш, қад ростлаш, кучли тараққиёт йўлига тушиб олиш замонини бошдан кечираётган эканмиз, бу бизга жуда-жуда керак.

Кўриниб турибдики, мурувват — ҳашарга муҳтож. Шунинг учун ҳашар — мурувватнинг умумхалқ кўриниши. Меҳр ва мурувват йилига ҳашар ярашади.

Бежиз эмаски, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 27 январида қабул қилинган Қарори билан тасдиқланган "Меҳр ва мурувват йили" дастури "Давлат ва нодавлат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органларининг меҳр ва мурувват йўналиши бўйича фаолияти ва масъулиятини кучайтириш" деб аталган учинчи қисмига кирган 47-бандида Наврўз ва Мустақиллик байрамларига тайёргарлик кўриш бўйича умумхалқ ҳашарлари ўтказиш кўзда тутилган.

Бу ҳашарни ташкил этиш ва кўнгилдагидек уюштириш "Маҳалла" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига юклатилган.

Ҳашардан кўзланган асосий мақсад — ҳудудларни ободонлаштириш. Яна ўша қадимдан келаётган оқилона гап: шу ҳудудда яшайсанми, унинг ободлиги учун, ҳамма қатори, айнан сен ҳам масъулсан, муҳтарам Ватандош!

Бу юксак инсоний туйғу ҳеч биримизни ҳеч қачон тарк этмаслиги керак. Кимки биздан яхшироқ яшаётган бўлса, зимданми, ошкорами — шу қоидага амал қилади. Бунга ишонаверинг.

Беш-олти йил илгари Германия Федератив Республикасининг Берлин, Бонн, Кёлн, Мюнхен, Подстам шаҳарларида, Бавария ўлкасининг тоғли қишлоқларида ижодий сафарда бўлиб қайтган эдим.

Биринчи таассуротим: тозалик-озодалик, ободончилик бўйича немис шаҳри билан қишлоғининг ҳеч фарқи йўқдай.

Мени лол қолдирган иккинчи нарса — биз дастурхонни қанчалар муқаддасу азиз билиб, унга пок-нопок ҳар нарсани қўяверишни нечоғлик гуноҳ ҳисобласак, немислар учун бутун бир Германия худди оппоқ покиза дастурхон янглиғ экан.

Ҳовлида турадими, кўп қаватли уйдами, шаҳарда яшайдими, чекка қишлоқдами — қатъи назар, Германиянинг ҳар бир хонадони гул учун, ўша йилги ҳисоб-китоб бўйича, ўртача 1.000 немис маркаси миқдорида пул сарфлайди. Деразалар пештоқларида, ташқарига чиқариб осиб қўйилган гултувакларда, пешайвонларда гуллар чаман-чаман очилиб ётади.

Гўзаллик кимга ёқмайди. Бизда ҳам ҳозир "Некся"сини ҳеч кимникига ўхшамайдиган, анвойи қилиб безаб олганлар кўп. Майли-да. Қонунга хилоф жойи бўлмаса, бировга зиёни тегмаса, меҳрини кўрсатавермайдими!

Лекин...

Бечора фаррошларимиз кечаси билан супуриб, оппоқ дастурхондай тозалаб қўйган гулдек йўлда кетаётган шундай чиройли, гўзаллаштириб ташланган машина ойнасидан кўрсанг, кўргудек бежирим кийиниб, кўзига энг сўнгги мода кўзойнак қўндириб олган ҳамшаҳримиз сигаретаси қолдиғини, баъзан, ҳатто унинг бўшаб қолган қутисини ирғитиб кетаверадида.

Юртбошимизнинг: "Ободлик инсон қалбидан бошланади", — деган қаноатбахш сўзларидаги ҳикматни тўлиқ англаб етаяпмизми? Шу маънода ҳашарларимиз ҳар биримизнинг кўнглимизда юртга меҳр, юртдошга мурувват туйғусини камолга етказсин.

2000 йили Юнусободда сув бўйида Шаҳидлар хотираси майдони бунёд этилди. Шунда умумхалқ ҳашарининг кучини кўрдик. Бутун Тошкент Ватан ва халқ равнақи йўлида ноҳақ шаҳид кетган улуғ зотлар руҳини ёд айлаб, сидқидилдан беминнат меҳнат қилганига гувоҳмиз.

Бироқ кузатганим бир нарса сира ёддан чиқмайди. Ўшанда дам олиш кунларидан бирида жамоат ташкилотлари – илму ижод аҳли ҳашарга чиқди. Шунда айрим ташкилотлар раҳбарлари денг атрофга аланглаган: "Қани, мен қатори раҳбарлар ҳам қўлини ишга уриб, усталарга ғишт узатяптими-йўқми..." Айримлари қўлини совуқ сувга урмай қайтгани ҳам рост.

Шунда XV аср тарихчиси Хондамирнинг "Хулосат улахбор" китобини эслайсиз. Ундаги Ҳирот жоме масжидини таъмирлашга бош-қош бўлган 57 ёшли Алишер Навоий ҳақида ёзилган мана бу сатрларни таъсирланмасдан ўқиш мумкин эмас:

**"Хайру саховатли бинокор амир Алишер ўша иморатни тиклаш хусусида кўп ғамхўрлиги бўлганидан ҳар куни шу шарофатли манзилга ташриф буюрар, кўп кунлари этакни белга қистириб, ёлланган ишчилар каби, усталарга ғишт олиб берарди ҳамда бошқа юмушларни қиларди..."**

Улуғ узоқ ўтмишдан туриб, мутафаккиримиз бизга узоқ ўтмишдан туриб, ҳашар ҳашардай бўлиши керак, деб уқтираётгандек.

**Султонмурод ОЛИМ.**

### Эзгулик ниҳоли

Биз ҳашар арафасида Асака туманидаги Қоратепа қишлоғида бўлдик. Бу сўлим гўшада ўттиз минг аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 18 минг нафари ёшлар. Ана ўша ёшлар ҳашар йўли билан 15 минг томошабинга мўлжалланган ажойиб стадион тикламоқдалар. Бу хайрли ишга ўтган йилнинг айнан баҳорида киришилган эди. Узунлиги 170, эни 84 метрни ташкил этувчи стадион ҳозирга қадар салкам беш юз кубметр бетон ётқизилди. Шуниси муҳимки, қурилиш материаллари четдан сотиб олинаётгани йўқ. У шу ернинг ўзида тайёрланмоқда. Бобур номли ширкат хўжалигининг аъзолари Асакасой бўйларидан чим келтириб, футбол майдонига тўшамоқда.

Бугунги умумхалқ ҳашари куни қишлоқ ёшлари шу ерда жамулжам бўлишни ният қилишган. Ҳар бир ёш ўзи ёктирган дарахт кўчатини ўтқазишни, қизлар эса атрофни анвойи гулларга буркашни режалаштиришган.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Кўклам оғушидаги шаҳар

*халқимизнинг азалий удуми — ҳашар туфайли янада обод бўлмоқда*

Пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг қиёфаси, файзу тароватi бутун республикамиздаги барча шаҳар ва қишлоқлар ободонлигининг бош мезони. Унинг маркази эса бутун шаҳар кўркини белгилайди.

Уйғониш фасли баҳор пойтахтдаги дов-дарахтлар куртак ёзганида, хиёбонларда майин чайқалаётган майсалар-у, ўрик гулларида янада ифорли кўринади.

Шаҳар қанчалар гўзал ва улуғвор бўлмасин, биз, албатта, ҳовли-жойлар, хиёбонлар, қўйингки, бутун атроф ободонлиги, тозалигини эътибордан четда қолдиролмаймиз.

Тошкент шаҳар ҳокимлигидаги мутасаддилар ҳам шу мақсадда қизғин иш бошлаб юбордилар. Айни кунларда шаҳарнинг қай бир чеккасига борманг, жадал суръатда кетаётган ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларига гувоҳ бўласиз. Чунки пойтахт улуғвор бино ва иншоотлари билангина эмас, кўркам табиати, орасталиги билан ҳам намуна бўлиши керак.

Бош Архитектура-лойиҳалаштириш ва ободонлаштириш бошқармаси ҳамда «Ландшафт-ЛеКо» хусусий фирмаси ҳамкорликда «Мовий гумбазлар» хиёбони, «Керамика боғи» ва Матбуотчилар кўчасини тўлиқ реконструкциялаш ва ободонлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқди.

Шу кунларда мазкур объектларда белгиланган ишлар қизғин кетмоқда. Унинг натижалари эса кўзга ташлана бошлади.

— Лойиҳамиз бўйича биз биринчи галда «Мовий гумбазлар» хиёбонининг ландшафтини сақлаб қоламиз, — дейди дизайнер Р. Ставчинская. — Хиёбоннинг ташқи кўриниши янада гўзал бўлиши учун бир нечта дов-дарахт ўтқазилади. Уларни суғориш тизимини тўлиқ алмаштирамиз. Шаҳар аҳолиси ва меҳмонларни ҳаммасидан ҳам хиёбондаги фавворалар мафтун қилади, деб ўйлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, бу ердаги ободончилик, таъмирлаш сифат ва суръат жиҳатидан ўзгача тус олмоқда. Шаҳар кўркига-кўрк қўшадиган бундай ўзгаришлар Шароф Рашидов номидаги хиёбонда ҳам амалга оширилаяпти. Бу ҳақда суғориш тармоқларини таъмирлаш ва созлаш махсус бошқармаси бош механиги Ёқуб Қаҳҳоров шундай дейди:

— Пойтахтимизда гулзорларни, истироҳат боғларидаги, хиёбонлар ва кўчалар четидаги дов-дарахтларни ер ости қувурлари воситасида суғориш 37 йил олдин йўлга қўйилган. Шу мақсадда ҳозирга қадар 60 метр чуқурликдан соатига 100-120 куб метр сув тортиб чиқариш қувватига эга



75 та қудуқ қазилган. Улардан фойдаланиш икки баравар арзонга тушади. Энг муҳими, ичимлик сувини тежаш имконини беради. Масалага шу жиҳатдан ёндошиб, ишимизда яна бир ўзгариш ясадик. Темир қувурларни нисбатан арзон, 60-70 йилгача чидайдиган металл-пластмасса ва пластмасса қувурлар билан алмаштиришга киришдик.

Хиёбон йўлакларига мармар ва гранит плиталар ётқизаётган Сергей Галанин иши билан танишаётиб яна бир янгиликнинг гувоҳи бўлдик. У плиталарни қуруқ цемент ва қум аралашмаси устига ўрнатиш усулини ярати бди. Бу кашфиёт ҳам бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этади. Ортиқча ишчи кучини ва сарф-харажатни тежайди.

Наврўз айёми арафасида амалга оширилаётган бундай савобли ишлар кўҳна ва навқирон шаҳримизнинг қиёфасини янада гўзаллаштириши шубҳасиз. Кўкламга ҳамоҳанг янгиланишларни республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида учратиш мумкин.



**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**Рустам ЁРЛАҚАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

**СУРАТЛАРДА: плита ётқизувчи уста Сергей Галанин; «Ландшафт-ЛеКо» хусусий фирмаси директори Элина Фараджева ва дизайнер Росана Ставчинская иш устида.**

**Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.**

---

# Аскарлик орзусидаги йигитлар

### учун синов фурсати келди

*Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча эълон қилинган "Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарори баҳорги мавсумда армия сафида соғлом, бақувват йигитларни саралаб олишни таъминлайди.*

## Баҳорги чақириқ

Мазкур қарор бир қараганда навбатдаги чақирув бошланганини билдирар, лекин, уни синчиклаб ўқисак, аскарларимиз ва бўлғуси аскарларимиз учун бир қатор имкониятлар кўзда тутилган.

Маълумки, мамлакатимизда профессионал армияга эришиш борасида улкан ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов ташаббуси билан ҳарбий соҳадаги ўзгаришлар замирида, шубҳасиз, ана шу муддао мужассам. Бу эса ўз навбатида армия сафида ҳар жиҳатдан баркамол йигитларни жалб қилиш билан бирга, уларда ҳарбий хизматга бўлган қизиқишни оширади. Галдаги чақирув муддаолари акс этган ушбу ҳужжатда шундай сатрлар бор: *"... Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар давлат муассасалари, ташкилотлари ва корхоналарига ишга қабул қилишда мардлик ва ватанпарварлик тарбиясининг армия мактабини ўтаган, ҳарбий тайёргарлик кўрган ва ҳаётий тажриба орттирган, мамлакатнинг энг фаол ва тайёргарлик кўрган кадрлар заҳираси ҳисобланган шахслар сифатида бошқа тенг шароитларда (таълим, касб малакаси ва бошқалар)устунлик ҳуқуқидан фойдаланадилар..."* Демак, бунда армия ҳаётини кўрганларни ишга олишда анчайин имтиёзлар борлигини, шунингдек, хизмат чоғида ўзининг ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги билан кўзга кўринган, намуна кўрсатиб ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларини олган йигитларга ҳам имтиёзлар мавжуд. Яъни, улар бирор олий ўқув юртига ўқишга кирмоқчи бўлсалар, имтиҳондан олинадиган баллнинг 20 фоизи миқдорида балл қўшилади.

— Мамнуният билан айта оламизки, Қуролли Кучларимизни такомиллаштириш борасидаги бундай улкан имкониятлар ёшларимизни ҳарбий хизматга янада қизиқтирмоқда, — дейди пойтахт вилоятининг Зангиота туман Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Илҳом Самадович Ғаниев. — Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда бўлимимизга ота-оналар, хизмат ёшидаги йигитлар келишиб, армиямиздаги янгиланишлардан хурсанд эканликларини билдиришмоқда. Биз чақирувни сифатли ўтказиш учун тайёргарликни анча олдин бошлаганмиз.

Ҳа, ҳар бир янгилик замирида инсон манфаати мужассам экан, бундай ўзгаришнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳам тезлашади. Сарҳадларимизнинг мустаҳкамлиги мард ўғлонларимиз қўлида. Демак, ҳадемай уларнинг сафи яна кенгаяди. Ҳарбий қисмларда минглаб йигитларнинг юртга, президентга содиқликларини билдирувчи қасамёди қабул қилинади, "Ватанимга хизмат қиламан" деган мағрур ҳайқириқлари жаранглайди.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Ором топаётган юраклар

(Давоми. Боши 1-бетда).

каб операцияларни қилишга кўзимиз етмаганди. Энди эса кўриб турганингиздек...

Бизнинг соҳамизда моддий-техник базани давлат кўмагисиз мустаҳкамлаш мушкул. Агар давлат эътибор бермаса аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш савияси ўз-ўзидан тушиб кетади. Республикангизда бунга ҳукумат томонидан катта эътибор берилиши муаммо ечимини ҳал этади. Биз бундай хайрли тадбир билан серқуёш Ўзбекистонга яна келамиз, деб ўйлайман.

Республика махсус жарроҳлик марказининг тўртинчи қаватида икки кун аввал операция қилинган болаларнинг яқинлари билан учрашдик.

— Саккиз ёшли ўғлим — Йўлдошев Жавоҳирни операция қилишди, — дейди андижонлик Миродил исмли йигит. — Унда туғма юрак нуқсони бор эди. Фарзанд экан, шу йиллар давомида кўп сиқилдим. Доим хавотирда юрдим. Ишонасизми, икки кундан бери узоқ қидирган нарсамни топгандек хурсанд, хотиржамман. Бу дўхтирларнинг қўлида сеҳри бор экан. Мана, ўғлим операциядан атиги икки кун ўтиб бемалол ўйнаб юрибди. Ҳаммаларига чексиз раҳмат.

Навоий шаҳридан келган Абдураҳмонов Азаматнинг айтишича, унинг ўғли Азизни ҳам ўша куни операция қилишибди.

— Унинг қандай ўтганини ана, боламнинг кулиб турган юзидан билишингиз мумкин, — дейди у. — Катта бўлсам шу кишиларга ўхшаган зўр дўхтир бўламан, касалларни даволайман, — дейди Азиз ҳам.

Мурғак қалбда бундай орзунинг уйғониши бежиз эмас. У меҳр-мурувватнинг тафтидан пайдо бўлган. Россиялик ва юртимиз шифокорларининг хайрли ишлари ҳали кўп кўнгилларга малҳам бўлишига шубҳа йўқ.

**Рустам БОЙТЎРА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



**Олий Мажлисда**

*Кеча Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида «Меҳр-мурувват — давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Уни қўмита раисининг ўринбосари О.Мусурмонова олиб борди.*

# Меҳр-мурувват — ўлмас қадрият

Маълумки, меҳр-мурувват халқимизнинг азалий қадриятларидан бири. Халқимиз ҳамиша ўзининг бағрикенглиги, одамохунлиги, бир-бирини қўллаб-қувватлаш фазилати билан алоҳида ажралиб туради. Кам таъминланган оила ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ёрдам бериш саховатпешаликнинг ёрқин намунасидир. Меҳр-мурувват йилида бундай фазилат яна ҳам чуқурроқ мазмун кашф этади. Семинарда ана шулар ҳақида батафсил гапирилди.

Меҳр ва мурувват йилининг тарихий асослари, унинг оила мустаҳкамлиги ва юксак ахлоқ сифатидаги қадрияти, ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда бу туйғунинг ўрни ва роли, саховатпешалик ва сахийликнинг миллий мерос сифатидаги моҳияти, уни турмуш тарзимизга яна ҳам чуқурроқ кириб бориши борасидаги тажрибалар ўртага ташланди.

Таниқли олим ва мутахассислар Қ.Назаров, В.Каримова ва С.Олимовларнинг меҳр ва мурувват йилининг сиёсий, ижтимоий, маънавий ва маърифий аҳамияти ҳақидаги маърузалари семинар қатнашчилари томонидан қизғин кутиб олинди. Баҳс ва мунозаралар асосида ўтган семинарда иштирокчилар фаол қатнашишди. Бир қатор муаммолар ўртага ташланди ва кенг муҳокама қилинди.

Семинарда «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Маҳалла» ҳайрия жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари иштирок этишди.

**Ф. САНАЕВ.**

# ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг пленуми бўлиб ўтди. Унда қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш, хусусан, ердан фойдаланишда йўл қўйилаётган суиистеъмолчилик ҳолларининг олдини олишда хўжалик судларининг ролини оширишга оид масалалар муҳокама этилди. Тадбирда суд, прокуратура, адлия ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг масъул ходимлари иштирок этди.

Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломов бошқарган мазкур пленумда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ҳуқуқий муҳофазасини кучайтиришга алоҳида эътибор берилаётгани таъкидланди. Хўжалик судларида ўтган йили кўрилган 55 мингдан ортиқ ишнинг ярмидан кўпи ушбу соҳа вакилларининг ҳуқуқий ҳимояси билан боғлиқ бўлганлиги бу фикрнинг далилидир.

Шунга қарамай, тармоқда ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Ачинарлиси, ерга оид қонунчиликни бузиш, бу борада суиистеъмолга йўл қўйиш айрим идоралар, жумладан, туманлар ҳокимликлари фаолиятида одатий ҳолга айланиб қолган.

2003 йилда хўжалик судлари қарорлари билан туманлар ҳокимларининг 78 қарори қонунга зид деб топилди ва бекор қилинди.

Пленумда қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш, йўл қўйилаётган қонунбузарлик ҳолатларига барҳам беришда хўжалик судларининг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ф.Муҳитдинова, Бош прокурори Р.Қодиров, адлия вазири А.Полвонзода, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири А.Жўраев иштирок этди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

## Ўзбекистон — Европа Иттифоқи

*Мамлакатимизга Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун тайёргарлик кўришда техник ёрдам кўрсатилмоқда. Бу ёрдам "Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги шериклик ва ҳамкорликни ижро этишга кўмаклашиш" лойиҳаси асосида амалга оширилаяпти.*

# Манфаатли ҳамкорлик йўлида

Лойиҳа раҳбари жаноб Адриан А. Стреиннинг маълум қилишича, яқинда озиқ-овқат маҳсулотлар савдоси ҳақида музокараларга ахборотлар тайёрлаш бўйича европалик эксперт Жозеф Роше мамлакатимизга келди. Унинг ташрифи давомида амалдаги тариф сиёсати таҳлил қилинди. Шунингдек, дастлабки тарифларни арзонлаштириш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқилди ҳамда мазкур соҳа бўйича ишчи гуруҳи ва мутахассисларга маслаҳатлар берилди. Бундан ташқари, Жозеф Роше Давлат божхона қўмитаси вакиллари ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети олимлари билан учрашди.

Ташриф якунлари бўйича семинар бўлиб ўтди. Унда Дохада бўлиб ўтган музокаралар чоғида қабул қилинган қарор ва мандатлар ҳақидаги ахборотлар таҳлил қилинди, шунингдек, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Биржада матбуот анжумани

*Республика Товар-хомашё биржасида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган ушбу анжуманни биржа раиси Т. Тўхтабоев олиб борди.*

Маълумки, биржа савдосига қўйилган маҳсулотлар бозордагидан давлат стандарти талабларига жавоб бериши ва сертификатланганлиги билан фарқ қилади. Айни пайтда биржа савдоларида энг кам ёки кўп маҳсулот харид қиладиган ҳар бир истеъмолчи қатнашиши мумкин. Шунингдек, тадбиркор ёки фермер ўз товарини ягона республика савдосига қўйиш ва уни республикамизнинг турли минтақасидаги истеъмолчига сотиш имкониятига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги "Маҳсулотлар, хомашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида"ги қарорига биноан, жорий йилнинг 2 мартидан бошлаб биржада сотилаётган маҳсулотлар таркибига автомобиль бензини, дизель ёнилғиси, қора ва рангли металлар прокати ҳам қўшилди. Ўтган қисқа вақт мобайнида бўлиб ўтган савдоларда саккиз мингга яқин шартнома имзоланди. Охирги икки йилда эса бу кўрсаткич бор-йўғи 24 мингтани ташкил қилган эди.

Биржанинг асосий вазифаси савдолар ошкоралигини таъминлаш, мижозлар сонини кўпайтириш ва савдоларга кўпроқ брокер ҳамда дилерларни жалб этишдир. Яқин кунларда электрон савдо тизими янада такомиллашади. Бу республикамиз истеъмолчиларига товарлар билан фаол савдо қилиш, шунингдек, уларни ташқи бозорга олиб чиқиш имконини беради.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Барвақт қилинган ҳаракат

Самарқанд вилоятининг Нарпай, Пахтачи ва Пастдарғом туманларида чигит экиш бошланди.

— Ўтган йили етиштирилган пахтанинг 91 фоиздан кўпроғи биринчи навга сотилганди, — дейди пасдарғомдаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги раиси К. Пардаев. — Бу муваффақиятларнинг барчаси деҳқончилик юмушларини эрта бошлаганимиздан. Бу йил ҳам бир ҳафта ичида чигит экишни тугалламоқчимиз.



Айни кунларда вилоятнинг бошқа туманларида ҳам чигит экиш бошланиш арафасида.

**А. САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Башоратлар тўғри чиқадими?

## Эртага Россияда президентлик сайловлари бўлиб ўтади

***Шундай қилиб, ўтган йилнинг декабрь ойидан бошланган сайлов эҳтирослари поёнига етмоқда. Кузатувчилар, амалдаги Президентнинг ғалабасига шубҳа йўқ, шунинг учун унга қизиқиш катта бўлмайди, деб башорат қилишганди. Аммо бу гаплар тасдиғини топмади ва Владимир Путиндан ташқари яна 6 нафар номзод сайловда қатнашиш хоҳишини билдирди.***

Президентликка биринчилардан бўлиб Россия Либерал-демократик партияси аъзоси Олег Малишкин номзодининг кўрсатилиши кўпчилик учун кутилмаган воқеа бўлди. Чунки барча бу партиядан президентликка, ҳар доимгидек, Владимир Жириновский даъвогарлик қилади, деб ўйлаганди. Буни Владимир Вольфович «Партия бир одамники эмас ва унда бошқа муносиб номзодлар ҳам бор» деган баёнот билан изоҳлади. Лекин кузатувчиларнинг фикрича, Жириновскийнинг ўз номзодини кўрсатмаганлигида бошқа сабаблар бор. Улардан бири РЛДП раҳбари сайловларда кам овоз олиб, юзи шувут бўлишидан чўчиган.

Олег Малишкин шу пайтгача сиёсат майдонида нотаниш эди. У 1951 йилда туғилган. Новочеркасск политехника институтининг тоғ муҳандислиги факультетини тамомлаган. Спорт устаси. РЛДПга 1991 йилда аъзо бўлиб, 2002 йилдан партия фракциясининг марказий девонхонаси раҳбари бўлиб ишлаган. 2003 йил декабрида Давлат думасига депутат этиб сайланган. Олег Александрович сайловолди жараёнида айтарли муваффақиятга эришмади. Сўнгги сўровномаларга кўра, унинг номзодини сайловчиларнинг 1,5 фоизига яқини қўллаб-қувватламоқчи.

Федерация Кенгаши раиси Сергей Мироновнинг сайловларда қатнашишини ҳам кутилмаган воқеа дейиш мумкин. Чунки Ленинград вилоятининг Пушкин шаҳрида туғилган 51 ёшли номзод амалдаги президентнинг «команда»сига киради. Сергей Михайлович президентликка ўз номзодини кўрсатишдан мақсади — мамлакатда демократияни барқарорлаштириш ва одамларнинг ҳаётини янада яхшилашдан иборат эканини таъкидлади. Шунингдек, у мамлакат олий ўқув юртларида ягона имтиҳон ўтказиш ташаббусини ҳам илгари сурди. «Российская партия жизни» томонидан номзоди кўрсатилган С. Миронов Ленинград Тоғ институтининг геофизика факультетини тамомлаган. Кейинчалик Санкт-Петербургдаги Давлат техника университетининг иқтисодиёт факультети, Россия президенти ҳузуридаги Давлат хизмати академияси ва Санкт-Петербург давлат университетининг юридик факультетларида ўқиган. Кўп йиллар давлат хизматида ишлаб, 2001 йилнинг декабрь ойидан буён РФ Кенгаши раислиги лавозимида фаолият юритмоқда. У сайловолди жараёнларда амалдаги президентнинг номзодини қўллаб-қувватлашини билдирди. Номзод ўз дастурида мамлакат хавфсизлиги, иқтисодиётини ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя соҳаларига катта эътибор берган бўлса-да, сўровномалар уни бугунги кунда фақат 1 фоиз сайловчиларга таяниши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Номзодлар ичидаги ягона аёл, ўнгчилар вакили Ирина Хакамада рўйхатга олингандан сўнг дастлабки кунларда Москвадаги «Норд-Ост» театр мажмуида содир этилган террорчилик бўйича унда очилмаган далиллар борлигини маълум қилганди. Аммо кейинчалик бу мавзу йўққа чиқди. Шунга қарамасдан, иқтисод фанлари номзоди Ирина Муцуовнанинг сайловолди жараёнларда сиёсий етук, билимли ва жиддий инсонлигини кўрган сайловчиларнинг унга нисбатан ҳурмати ошди. Россияда ўзига бошпана топган япон муҳожирининг қизини бугунги кунда қарийб 3 фоиз сайловчилар қўллаб-қувватлаши башорат қилинмоқда.

— Мени рейтинг кўрсаткичлари қизиқтирмайди, — деди 49 ёшли Ирина Хакамада. — Мақсадим президент сайловларида демократик, эркин фикрлайдиган инсонларнинг бирлигини сақлаб қолиш, кейинги сайловга замин яратишдир.

Россия коммунистлари бу сафар, ҳар галгидек, Геннадий Зюгановнинг номзодини кўрсатишни эп кўришмади. РФКП ўтган йилнинг 28 декабрида ўтказган қурултойида Николай Харитоновга ишонч билдирдилар. Николай Михайлович кўпроқ аграр соҳа бўйича мутахассис ҳисобланади. У Новосибирск қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаган. Думанинг илгариги таркибида Агросаноат депутатлар гуруҳига раҳбарлик қилди. 1948 йилда туғилган Н. Харитонов сўнгги парламент сайловида депутатликка сайланди. Номзод ўз дастурида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта урғу берди. Унинг коррупция ва жиноятчиликка қарши кураш, янги иш ўринлари яратиш ва бошқа фикрлари сайловда иккинчи ўринни олиш имконини туғдириши мумкин.

Сайловда қатнашаётган энг ёш, мустақил номзод Сергей Глазьевни Россия сиёсат майдонида яхши танишади. 1961 йилда Украинанинг Запорожье вилоятида туғилган Сергей Юрьевич бундан 15 йил илгари Россиядаги энг ёш иқтисод фанлари докторларидан бири сифатида эътироф этилган. У Думага бўлиб ўтган сўнгги сайловларда «Родина» блокига ҳамраислик қилиб, парламентдаги фракция раҳбари бўлди. Аммо у ўтган пайшанба куни фракцияга кирувчи депутатлар мажлисида ўз лавозимидан четлатилди. Сўровномалар Глазьев сайловчиларнинг тахминан 3 фоиз овозини олиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Сайловолди жараёни президентликка номзод Иван Рибкин учун муддатидан илгари тугади. 54 ёшли Иван Петрович кўп йиллардан буён давлат хизматида фаолият юритган, шу жумладан, 1996 йилда Россия хавфсизлик кенгаши котиби, кейинчалик МДҲ давлатлари ишлари бўйича раис ўринбосари лавозимида ишлаган. Ҳозир Лондонда яшаётган Борис Березовский томонидан қўллаб-қувватланган мазкур номзод мамлакат сиёсий майдонида етакчи эмаслигини кўрсатди. Шу сабабми, у ўз хоҳиши билан курашдан воз кечди.

Сайловларда амалдаги президент Владимир Путин ғолиб чиқишига кўпчилик шубҳа қилмаяпти. Буни сўнгги сўровномалар ҳам тасдиқлаб турибди. Унга кўра, бугунги кунда 52 ёшли Владимир Владимировични сайловчиларнинг қарийб 70 фоизи қўллаб-қувватлашга тайёр. Ғалабасига ишонган Владимир Путин сайловдан олдин янги ҳукумат таркибини тасдиқлади.

Таъкидлаш лозимки, сайловчиларнинг фаоллиги бу сиёсий тадбирнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолаётир. Айнан, шу масала Марказий сайлов комиссиясини ҳам ташвишга солмоқда. Шунинг учун мамлакат оммавий ахборот воситаларида «Овоз беришни унутманг!» чақириғи айни пайтда муҳим аҳамият касб этаётир. Унинг самараси ва юқорида келтирилган тахминлар қанчалик тўғрилиги эртага бўлиб ўтадиган сайловларда аниқланади.

**Салим ДОНИЁРОВ.**

# ОЛАМ НАФАСИ

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

## Ҳаво кенгликлари ягонадир



НАТО Бош котиби Яап де Хооп Схеффер келгуси ойда Литва, Латвия ва Эстония Шимолий альянсга аъзо бўлганидан сўнг мазкур Болтиқбўйи давлатлари ҳаво кенгликларида патруль хизмати олиб борилишини билдирди.

Бош котибнинг Латвияда бўлиб ўтган матбуот анжуманида айтишича, НАТОга аъзо барча давлатларнинг ҳаво сарҳадлари ягона ҳисобланади.

## Маълумот учун ўн минг доллар

АҚШлик 41 ёшли журналист Сюзан Линдауэр жосусликда айбланмоқда. Ироққа қарши ҳарбий ҳаракатлар бошланганидан сўнг Сюзан Боғдодга баъзи маълумотларни етказиб турган. У ҳар бир ахбороти учун ўртача ўн минг доллардан пул олган. Манхэттен федерал округ суди олиб бораётган суд-суриштирув натижаларида маълум бўлишича, Сюзан БМТ қошида фаолият юритган Ироқнинг доимий вакиллари билан учрашиб, уларга керакли маълумотларни етказиб турган. Айни пайтда, Линдауэр террорчи гуруҳларга алоқадорликда ҳам гумон қилинмоқда. Мабодо бу айбловлар ўз тасдиғини топса, Сюзан ўн беш йилга озодликдан маҳрум этилади.

## Генераллар айбланмоқда



Икки генерал — Иван Чермак ва Младен Маркач ҳарбий жиноятларни содир этганликда айбланиб, Загребдан Гаагага келтирилди. Улар собиқ Югославия парчаланиб кетмасдан олдин Хорватиядан 200 мингга яқин сербларни қувиб чиқарганликда айбланмоқда. Аммо генераллар бу айбловни қатъий рад этишмоқда. Ўтган ҳафтада Хорватия ҳукумати генералларни судга топширган эди.

## Қушларни асранг!

"Берд Лайф" халқаро нодавлат ташкилоти тарқатган хабарларга қараганда, ҳозир дунёдаги қушларнинг 1211 тури йўқ бўлиб кетиш арафасида. Уларнинг 119 тури Бразилияда, 117 тури Индонезияда яшайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, шошилинч чоралар кўрилса 400 тур қушларни сақлаб қолиш мумкин.

## Испанияда мисли кўрилмаган фожиа



Испанияда мамлакат парламенти сайловларига уч кун қолганида Мадриднинг Аточи темир йўл вокзалида бир неча бор кучли портлаш содир бўлди. Маълумотларга қараганда, 192 нафар одам ҳалок бўлиб, 1200 дан ортиқ киши жароҳатланган. Бу хунрезлик генерал Франко бошчилигидаги ҳарбий диктатурани ағдариб, демократияни тиклаш учун бўлган 1975 йилдаги қонли воқедан кейинги энг фожиали воқеа сифатида мамлакат тарихига кирди. Испанияда уч кунлик мотам эълон қилинди.

Ҳукумат бу террорчиликда ЭТА айирмачиларини айблаётган эди. Бироқ Al-Quds al-Arabi газетаси «Ал-Қоида» ташкилоти вакиллари жўнатган хатни чоп этди. Унда келтирилишича, бу ташкилот террорчиликни ўз зиммасига олган. Газетада айтилишича, улар худди шундай хунрезликни АҚШда ҳам уюштиришни режалаштираётган экан.

## Сулҳ тузишга чақирди



Аввал хабар берганимиздек, Гаити президенти Жан Бертран Аристид исёнчилар ғалаён кўтарганлиги боис хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлди. Айни пайтда бу ерда янги ҳукумат тузилмоқда. Гаити етакчилари томонидан Жерар Латортю мамлакат Бош вазири этиб тайинланди. Шу муносабат билан у АҚШдан ўз юртига келди.

Жерар Латортю Гаитидан 1988 йили, яъни давлат тўнтариши юз берган пайтда чиқиб кетган эди. Порт-о-Пренс аэропортида Бош вазирни сафдошлари, тарафдорлари ва журналистлар кутиб олишди.

Латортюнинг таъкидлашича, мамлакатнинг гуллаб яшнаши учун президент Аристид даврида тарқатиб юборилган армияни қайта тиклаш лозим.

Янги ҳукумат биринчи навбатда мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаши ва тинчлик ўрнатиши зарур. Буни эса фақатгина Америка денгиз пиёдалари ва халқаро тинчликпарвар кучлар ёрдамидагина амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, Бош вазир мамлакатни иқтисодий бўҳрондан олиб чиқиши керак. АҚШ томонидан Аристид ҳукуматига жорий этилган эмбарго бекор қилиниши кутилмоқда.

Латортю бир-бирига қарама-қарши бўлган ҳарбий гуруҳларни сулҳ тузишга ва қуролсизланишга чақирди.

**Хуршид РАУПОВ.**




## Пешонадаги реклама

Инсонга бош нима учун керак? Бу саволга айримлар ҳазиллашиб дўппи кийиш учун, деб жавоб беришади. Бошқа бировлар эса реклама жойлаштириш учун дейди. АҚШнинг Провиденст шаҳридаги университет талабаси Жаклин Капуст ва унинг мактабдош дўсти Натан Аллен бу гапни амалда исботлашди. Улар пулга муҳтож талабаларни ёллаб, пешонасига вақтинчалик татуровка ёрдамида реклама жойлаштирмоқда. Бундай ноанъанавий рекламага қизиқувчи компаниялар ҳам кўпайиб бормоқда. Пешонасида бир ҳафта реклама намойиш қилган талаба 150 доллар ҳақ олади. Аллақачон 60 нафар талаба шу йўл билан пул топа бошлади.

**У. ДОЛИЕВА тайёрлади.**

## Европарламент қарори

Европа парламенти Руминия ҳукуматининг ҳозирги сиёсатидан норози бўлиб, резолюция қабул қилди ва ЕИни бу давлатга нисбатан муносабатини қайтадан кўриб чиқишга чақирди. Парламентдаги 374 депутат Руминиядан учига чиққан коррупцияни бартараф этиш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини кафолатлаш, ОАВга эркинлик бериш, инсон ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймасликни талаб қилмоқдалар. Европарламент аъзоларининг фикрича, буларни бартараф қилмасдан туриб, Руминия иттифоққа кириши мумкин эмас. ЕИ ушбу мамлакатни 2007 йилда иттифоққа киришини режалаштирмоқда.

# Божхона Ҳамкорлиги Кенгаши

*1947 йил Европа иқтисодий Ҳамкорлиги қўмитаси Тарифлар ва савдо бўйича бош битимни имзолади ва бу битим кейинчалик Жаҳон савдоси конституцияси номи билан юритила бошланди. Ўша пайтда ўтказилган Женева Конференциясида битимга 23 давлат вакиллари қўшилди. Уларнинг 13 таси шу битим доирасида бир ёки бир неча Европа Божхона Иттифоқларини тузиш масаласини муҳокама қилиш учун ишчи гуруҳи туздилар. 1948 йили ишчи гуруҳи Иқтисодий ва Божхона қўмиталарини ташкил этди. Охироқибатда Иқтисодий қўмита иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига, Божхона қўмитаси эса таркибига юздан зиёд мамлакатлар кирган, ҳозирги кунда Божхона Ҳамкорлиги Кенгаши деб аталувчи йирик ҳукуматлараро ташкилотга айланди. Ўзбекистон ҳам БҲКнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади.*

***Халқаро ташкилотлар***

Божхона Ҳамкорлиги Кенгашини таъсис этувчи Конвенция 1950 йил 15 декабрда Брюсселда имзоланди. 1953 йил 26 январь куни кенгашнинг тақдимот сессияси бўлиб ўтди ва унда Австрия, Бельгия, Дания, Франция, Германия, Греция, Ирландия, Италия, Люксембург, Голландия, Норвегия, Португалия, Испания, Швеция, Швейцария, Туркия ва Буюк Британия вакиллари қатнашдилар.

Божхона Ҳамкорлиги Кенгаши ўз аъзоларига божхона хизматини ривожлантиришда яқиндан кўмаклашиб келмоқда. Шу мақсадда 1974 йили кенгаш томонидан маълумотларни автоматлаштирган тарзда қайта ишлаш қуйи қўмитаси ташкил этилди. Унинг асосий вазифаларига божхона идоралари ўртасида ахборот айирбошлаш ва ҳозирги замон техник воситаларини қўллаш ва ривожлантиришда кўмаклашиш киради. Шу билан бир вақтда, божхона соҳасида электрон ахборот алмашиш тизими муаммоларини ўрганиш бўйича маслаҳат гуруҳи тузилди. Кейинги вақтларда кенгашнинг техник директори бу тизимни халқаро савдода қўллашга алоҳида эътибор бермоқда.

Кенгаш божхона қоида бузилишлари ҳақидаги маълумотларни ўзида сақловчи компьютер базаси бўлган Марказий Ахборот тизимига эга.

Божхона Ҳамкорлиги Кенгашининг ҳозирги кундаги энг муҳим вазифаларидан бири мамлакатларга божхона ходимларини тайёрлашда етарли даражада ёрдам кўрсатишдир. Бунинг учун кенгаш котибиятида таълим бўйича экспертлар гуруҳи мавжуд. Кенгаш бу эксперт ҳамда мутахассислар ёрдамида, шунингдек, Божхона Ҳамкорлиги Кенгашига аъзо мамлакатлар бадаллари, халқаро ташкилотлар кўмагида турли хилдаги техник ёрдам ва ўқитишни амалга оширади. Бунда кенгашнинг асосий вазифаси муҳтож мамлакатларни, шундай ёрдам бера оладиган мамлакатлар билан боғлаб қўйишдир.

БҲК ташкил топгандан буён божхона қонунчилигини такомиллаштириш устида ишлаб келмоқда. Кенгаш тузилгандан бери қабул қилинган барча халқаро Конвенцияларнинг лойиҳалари БҲК қўмита ва комиссиялари томонидан тайёрланган.

Кенгаш бир йилда бир марта июнь ойида Божхона Ҳамкорлиги Кенгаши қароргоҳи жойлашган Брюссель шаҳрида, баъзан эса БҲКга аъзо мамлакатларда ўз йиғилишларини ўтказади. Йиғилишларда БҲКни таъсис этиш тўғрисидаги Конвенцияни имзолаган ёки унга қўшилган мамлакатларнинг Божхона хизмати раҳбарлари иштирок этади.

Кенгашнинг ҳар бир аъзоси вакиллик қилиш учун битта делегат ва бир ёки бир нечта номзодларни тайинлайди. БҲК ҳар йили кенгаш аъзолари таклиф қиладиган номзодлар орасидан раисни ва камида иккита вице-раисни сайлайди. Раис ва вице-раис оддий кўпчилик овоз билан сайланса-да, кенгашнинг бошқа барча қарорлари мутлоқ кўпчилик, аъзоларнинг учдан икки қисми овоз берганда қабул қилинган ҳисобланади. Ҳар қандай масала бўйича, агар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган томонларнинг ярмидан кўпи қатнашмаса, кенгаш қарор қабул қила олмайди. Кенгаш беш йил муддатга Бош котиб ва унинг ўринбосарларини тайинлайди, уларнинг вазифалари, бурчларини белгилаб беради.

Бош котибият БҲКга умумий раҳбарликни амалга оширади. Котибият таркибида юздан зиёд ходимлар ишлайди. Улардан ўттизтаси аъзо мамлакатлар божхона органлари маъмуриятларининг вакилларидир.

Кенгашнинг расмий тили инглиз ва француз тиллари ҳисобланса-да, Божхона қиймати бўйича техник қўмитада испан тили, Контейнерлар бўйича конвенцияни қўллаш масалалари бўйича маъмурий қўмитада араб ва рус тиллари ҳам ишлатилади. Божхона Ҳамкорлиги Кенгаши ўз ишини асосан контрабанда ва божхона қоида бузилишлари масалалари бўйича, уйғунлашган тизим бўйича ва доимий қиймати бўйича техник қўмиталар орқали амалга оширади. Молия қўмитаси (13 аъзо) ва сиёсий қўмита (20 аъзо) кенгашнинг ёрдамчи органлари ҳисобланади.

**Худоёр МАМАТОВ,**
**юридик фанлар номзоди.**



*Пулларни қўриқламай, уйда қандай сақлаш мумкин?*

Пулларни уйда хотиржам сақлаш учун уларни American Express чекларига конвертациялаш кифоя.

Сизнинг имзоингиз қўйилган чекдан фақат ўзингиз фойдаланишингиз мумкин.

Йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйсангиз, сизнинг чекларингиз эмитент томонидан тикланиши (одатда 24 соат мобайнида) мумкин.

American Express — халқаро молия корпорациясидир.

У 150 йилдан ортиқ вақтдан буён мавжуд бўлиб, ҳар бир чекни ва ҳар йили муомалада бўладиган 300 миллион чекни таъминлайди.

Одамлар узоқ вақт мобайнида пулларини уйда ёки саёҳат пайтида сақлаш учун American Express йўл чекларидан фойдаланадилар.

American Express чекларида пулларни сақлаш қулай.

Улар бутун дунёдаги миллионлаб молия ва кредит муассасаларида қабул қилинади.

***Ўзбекистондан ташқарига йўл чекларини олиб чиқиб кетиш чекланмаган.***

Турли номиналдаги American Express йўл чекларини Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг энг яқиндаги бўлимидан харид қилиш мумкин.

**Диққат! Америка экспресснинг янги чеклари воситачилик ҳақисиз сотилмоқда.**




**American Express чеклари — ўзингизнинг нақд пулларингиздир.**

**www.amex.ru**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

**Қўшимча маълумотлар учун «Ўзмиллийбанк»нинг исталган бўлим/филиалига мурожаат қилинг.**
**Мулоқот учун телефонлар: 135-40-60, 134-12-09. www.nbu.com**
**Тиклаш хизмати телефони: (095) 956-08-29.**

